



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 1 декабр, чоршанба № 191 (1824)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МДХ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ - ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу йил 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда иштирок этадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссияси Тошкентда иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссияни рўйхатга олишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизга ташриф буюрган МДХ Ижроия қўмитаси раиси - МДХ ижроичи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация катнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Буритов Мустафоев мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига мулоқо қилиш асосида ташкил этилган сайловларни ўтказишга тайёрликнинг бориши ҳақида сўзлади. Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент шакллантирилмоқда, бу эса мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашганга ишора қилади. Сайлов кампаниясида бешта сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этмоқда. Сайловга тайёрлик очиклик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида бормоқда. Ҳамдўстлик

мамлакатларидан халқаро кузатувчилар миссиясининг рўйхатдан ўтиши ҳам бунга тасдиқлайди.

Учрашув катнашчилари миссиянинг бўлгуси фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этдилар.

Учрашув якунлангач, Владимир Рушайло матбуот учун баёнот берди. У миссия МДХ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба тўплаганини таъкидлади. Жумладан, МДХ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда катнашган. Бугундан эътиборан МДХнинг беш нафар доимий кузатувчиси Ўзбекистонда шундай иш бошлайди. Бундан ташқари, тез орада Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг аниқ сони ҳам маълум бўлади. Улар сайлов округларида Ўзбекистон сайлов қончилигига риоя этилишини бевосита сайлов арафасида ва сайлов вақтида назорат қиладилар. Кузатувчилар сайловдан бир неча кун олдин мамлакатимизга келади. В.Рушайло республика раҳбарияти ва шаҳсан Президент Ислам Каримовга мамлакатимизда МДХ халқаро кузатувчилари миссияси ишига кўрсатиладиган эътибор учун миннатдорлик


билдирди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида МДХ халқаро кузатувчилари миссияси аъзолари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

В.Рушайло миссия ишини ташкил этиш ҳақида гапирар экан, у ўз фаолиятини ЕХХТ миссияси билан яқин ҳамкорликда олиб боришни таъкидлади. Миссияларнинг баҳолаш базасини ташкил этидиган кузатувчилар анкеталари асосий кўрсаткичлар бўйича бир-бирига ўхшаш ва мазмунан бир хил. Бирок, МДХ ва ЕХХТ кузатувчилари миссияларининг Қозғоғистон, Беларус ва Украинада ўтган сайловлардаги фаолияти тажрибасидан кўринадики, муайян воқеаларни баҳолашга ёндашувларда қайсидир даражада тафовутлар мавжуд.

Миссия иштирокчилари МДХ кузатувчилари иш олиб бориши учун Ўзбекистонда барча шароит яратилганини қайд этдилар. Марказий сайлов комиссияси томонидан улар сайловларга тайёрликнинг бориши тўғрисида зарур ахборот билан таъминланмоқда. Сайловга тайёрлик ишчан, очик ва ошкора руҳда бормоқда.

(ЎЗА)



тар майдонда кузги шудгорлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур ишга 14 та «Магnum» тракторлари туман машина-трактор парки томонидан жалб этилган. Бундан ташқари, ширкат хўжаликлари ихтиёрида бўлган 39 та занжирли трактор ҳам бу муҳим тадбирда фаол иштирок этди.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, туманда бир кунда 345 гектардан ортиқ экин майдони шудгорланмоқда.

Суратларда: илгор механизатор Адхам Раҳмонов; шудгор ишлари қизгин кетмоқда. Ш.ОЛИМОВ

(ЎЗА) олган суратлар

ЮТУҚ ОМИЛИ — КУЗГИ ШУДГОР

Давлат пахта қабул қилиш пунктларига 36 минг тоннадан ортиқ саноат хомашёси етказиб берган Балиқчи тумани деҳқонлари келгуси ҳосил таратдуди билан боғлиқ бўлган юмушларни бошлаб юбордилар.

Дастралки ҳисоб-китобларга кўра, туман деҳқонлари пахтачиликнинг ўзидан 9 миллиард сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибди. Ҳозирда эса экиндан бўшаган 11 минг 232 гек-



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Сирдарёнинг катта салохиятга эга эканлиги, унинг Ўзбекистонимиз ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўпдан-кўп ишнинг кўзини билдирган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, шу ерда ўзини намойиш этганини жамоатчилик яхши билади. Вилоят Кенгашининг кўни-кеча бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, вилоят тарихида шундай кўтарилиш давлари бўлганки, улар ҳақиқий марралар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бирок, сўнгги йилларда чўлқуварларга нима бўлди? Кишлоқ ҳўжалигидаги оқсанинг, пахтачиликда сунуқасига режа бажарилмаётганлигининг туб сабаблари нимада? Об-ҳаво кўллаган жорий йилда ҳам 8 та туман, 26 та ширкат ҳўжалиги, 6186 та фермер ҳўжалиги кўзланган маррани эгаллай олмай, ер чизиб қолганлиги қанчалар ачинарли.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

Қўриқ деҳқони ишлашни, ваъдага вафо қилишни билди. Бирок, баъзи жойларда қўлга кетмон ушламаган, бели оғирмай пул топишни орзу қилган кишиларга негандир ер берилди. Боз устига, ўғит, ёниги-мойлаш материалларига кўз олайтирганлар кўп бўлди. Мана бу мисолга эътиборни қаратайлик. Сардоба туманидаги «Азамат-М» фермер ҳўжалигига 30 йил мuddатга ер ажратилган. Бирок, дала ўз эгасини топмаган экан. Сабаби, фермер ҳўжалиги раҳбари М.Зарма-

сов тадбиркорлик қилиш билан бир пайтада туман «Агро-суғурта» бўлимини ҳам бошқарган. Ахир мўл пахта етиштириш учун узукун далада бўлиш, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида бажариш керак-да. Икки кемага осиладиган «тадбиркор» 29 гектар ўрнига 23 гектарга чигит қадади. Олти гектар ер эса ўз холига ташлаб қўйилди. Бунинг устига М.Зармасов тақсирруфидида 24 гектарлик ҳар-дил яна бир дала мултоқо қаровсиз қолди.

(Давони 2-бетда)

ИМТИЁЗЛАР УЧУН 17 МИЛЛИОН СЎМ

Оролбўёнинг шаҳар, туман марказлари ва овуллари чарогон қилишда 1043 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлаётган «Қорақалпоқ электр тармоқлари» корхонасининг хизмати беқилёқ.

Қаерда инсон меҳнати улуғланса, ўша жамоада иш ривож топади. Иш берувчи ва касоба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандма-банд оғишмай бажарилмоқда. Мазмурият ва касоба уюшмасининг кенгайтирилган йиғилишида фаолиятимизни танқидий баҳолаб, режаларни белгилаб олдик. Корхонамизда меҳнат қилишга бериладиган энгилликлар учун 17 миллион 144,6 минг сўм маблағ сарфланди. Меҳнат таътиллаш чикқанларга 8,8 миллион сўм, ходимларнинг довланшига 471,6 минг, нафақага кузатилган кишиларга бир марта бериладиган мукофот учун 13 миллион 432 минг, нафақага қўшимчалар учун 26 миллион 658 минг сўм ажратилди.

Меҳнатни муҳофазалаш учун ишлаб чиқариш жамғармасидан бир фоиз миқдорда маблағ ажратилиб, ишчилар корхона ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларга бепул кийим-кечак, пойфазал, махсус ҳимоя воситалари тарқатилди. Техника хавфсизлиги, санитария тигиничи ҳолати яхшилаш ва меҳнат муҳофазаси учун 11 миллион сўм маблағ ишлатилди.

100 га яқин ходим мамлакат ва республика миқёсидаги сийҳатгоҳларда хордиқ чиқарганлиги, ишчиларнинг юз-дан ортиқ фарзалари оромгоҳларда дам олиб қайтганлиги соғломлаштириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилганлиги натижасидир.

Корхона ва жойлардаги бўлимларда маошлардан қарздорлик тугатилиб, иш ҳақи вақтида тўланиши йўлга қўйилган.

В.СТАЦЕНКО,
«Қорақалпоқ электр тармоқлари» корхонаси касоба уюшма қўмитаси раиси



Китоб тумани туғруқхонасида 56 кун ичида 3 та оналар ўлими рўй берганлиги, болалар ўлими жиҳатидан туман республикада биринчи ўринга чиққани, шу муносабат билан яри-за-шиқоятлар қўйилганлиги, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил сентябрдаги 500-сонли, 2001 йил ноябрдаги 521-сонли буйруқлари, 2004 йил июлдаги 621-сонли Фармойиши талабларига кўра мазкур шифохонада фаолият кўрсатаётган бир туғруқ акушер-гинекологларнинг эгаллаб турган вази-фасига лойиқ-нолоийқлигини аниқлаш учун аттестация ўтказиш ҳақида Қашқадарь вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғи чиқарилишига асос бўлди.

Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Р.Раҳмонов, ВССББ бошлиғи ўринбосари У.Фозиева, туғруқхона бош ҳақими С.Қўчқороваларнинг таъкидлашича, шу йил 29 июлда бўлган аттестация қонун ва низоом талаблари даражасида ўтказилган. Барча ходимлар бош бошқарма бошлиғининг аттестация ўтказиш ҳақидаги буйруғи, 22 июлда олинган шошилинчнома матни билан таништирилган. Аттестацияга тайёрликнинг машғулоти ўтказилган. Фақат Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан вакил — Тошкент шаҳар 8-сонли туғруқ комплекси бош ҳақими Т.Тулаганов келолмагани сабабли аттестация кечикиб 29-июлда ўтказилган. Аттестация якунига кўра ВССББнинг 30 июлдаги буйруғига асосан 8 нафар акушер-гинеколог шифокор эгаллаб турган вази-фасига лойиқ, 5 нафари эса вази-фасига нолоийқ, деб топилган ҳамда уларни бир-ламчи тиббий бўлинида иш билан таъминлаш Китоб туман марказий шифохонаси бош ҳақими Б.Абдуллаева юқлатилган, 4 нафар акушер-гинеколог шифокор аттестацияда иштирок этмагани учун Тошкентда аттестациядан ўтиши кўрсатилган.

Ҳаммаси рисоладагидек экан, аттестациядан ўтмаган, деб топилган, шу соҳада қариб 30 йил ва ундан кўпроқ вақт ишлаб келган, биринчи тоғфали акушер-гинеколог шифокор Сожида Ашуро-ва, Робия Абдураҳмонова, Зайнаб Усмонова, Зулайхо Ҳомидова, Гулчехра Ҳалилова, Махбуба Жамол-валарининг шикоят қилишларига нима сабаб бўлди? Фуқаролик ишлари бўйича Китоб туман суди қандай асосларга кўра уларнинг дав-восини қаноатлантирди? Китоб туман марказий шифохонаси раҳбари Б.Абдуллаев, Китоб тумани марказий шифохонаси туғруқ комплекси бош ҳақими С.Қўчқорова, Қашқадарь вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси раҳбарларига нисбатан йўл қўйилган хато-камчиликлар учун суднинг хусусий аж-рими чиқарилишига нима асос бўлди?

Суднинг ҳал қилув қароридида қайд этилишича, биринчидан, аттестациядан ўтказиш ҳақида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойиши қабул қилинмаган. Аксинча, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йил июлдаги 621-сонли фармойишида «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналар ўлимининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 500-сонли буйруғи-нинг Қашқадарь вилоятида бажарили-лишини таъкидлаш, Китоб тумани туғруқхона комплекси шифокорлари-ни эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини кўриб чиқишда ишти-рок этиш ва ушиб туманга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «2004 йил 15 июлдан 4 кун мuddат билан қўйидаги мутахассис хизмат сафа-рига юборилсин» деб кўрсатилган. Аммо фармойишда шифокорларни

РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида икки мамлакат ҳаво кенглик-лари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва харбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси харбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битимнинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Алмашув тўғрисидаги протоколларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содик Сафоев ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин имзо чекдилар.

(ЎЗА)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2 декабр куни орта-лаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлис залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 2 декабр куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

рўйхатга олинди.

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига Олий Мажлисида 1 декабр куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилди.

МАРАФОНЧИЛАР - САМАРҚАНДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллигига бағишлаб, енгил атлетика-ни оммавийлаштириш ва соғлом турмуш тарзини

тарғиб қилиш мақсадида ўтказилаётган Умуммамла-кат оммавий марафонининг Термиздан йўлга чиққан иштирокчилари қадим Самарқандга етиб келди.

Уларни Регистон май-донидида шаҳар жамоатчи-

лиги ва ёшлари тантана билан қутиб олди. Шу кун марафон иштирок-чилари қадим шаҳарни томоша қилиб, хордиқ чи-қарди. Сафиға самарқан-длик спортчилар ҳам қўшилгач, марафончилар пойтахт сари йўл олди.

аттестациядан ўтказиш ҳақида гап бўлмаган. Аттестациядан ўтувчи шифокорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф равишда улар аттестация кундан икки ой муқад-дам оғохлантирилмаган. Иккинчидан, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 йил 621-сонли фармойишининг мазмуни ва талаб-ида туғруқ комплекси шифокор-ларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини кўриб чиқишда ишти-рок этиш, фақат аттестация ўткази-ши йўли билан эмас, балки она-лар ўлимига айнан айбдорларни аниқлаш, уларга тегишли чора қўриш, келгусида бундай камчилик-ларга йўл қўйилмаслигига амалий

ШИФОХОНАДАГИ АТТЕСТАЦИЯ суд томонидан гуайиконуний деб топилди

ёрдан кўрсатиш кўзда тутилган. Учинчидан, даъвогарлар томонидан тақдим этилган Қашқадарь ВССББнинг шошилинчномаси ну-схасида «Сиз 2004 йилнинг 15 кун Китоб туғруқ комплексидаги аку-шер-гинекологлар учун ўтказилди-ган аттестацияга тақриф этиласиз»-деб ёзилган бўлиб, аттестация ай-нан қайси ойда ўтказилиши кўра-тилмаган. Туртинчидан, айнан шу шошилинчнома аттестация учун асос қилиб олинган. ВССББнинг 2004 йил 19 майдаги буйруғи билан даъ-вогарлар ўз вақтида таништирил-маган. Бешинчидан, 2004 йил 29 июлда шифокорларни аттестация-дан ўтказиш жараёмида уларнинг овози мағнит тасмасига ёзиб олин-ган. Бу ҳақида аттестация ҳайъати

шифохонасининг 2004 йил 31 июл-даги 77-т-сонли параграф 2 буй-руқларининг биронтасида иш бе-рувчининг ташаббуси билан ходим-ни бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақидаги меҳнат меъёрилари қўла-нилмаган. УЗРМКнинг 92-моддаси-тадбиқ этилмаган. Еттинчидан, Соғ-лиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 8 августдаги 380-сонли буй-руғи ва шу буйруққа асосан тасдиқ-ланган «Республика соғлиқни сақ-лаш муассасаларининг тиббий ва фармацевтика ходимларини аттес-тациядан ўтказиш тўғрисида»ги ни-зомининг 2-бўлим 4-бандига асо-сан тиббий ва фармацевт ходимлар аттестацияси 5 йилда бир марта ўтказиб турилиши, мuddатидан ил-гари аттестация сўнгги аттестация

ўтказилган кундан бошлаб ҳисоб-саклаш муассасаси касоба уюшма-си билан биргаликда қабул қилин-ган қарорга мувофиқ ўтказилиши лозимлиги кўрсатилган. Амалда эса аттестация ҳайъати билан туман мар-казий шифохонаси касоба уюшма қўмитаси бундай қарор қабул қил-маган. Низомнинг 2-бўлим, 10-бан-дидан «Аттестация натижалари овоз берилган кейин бевосита маълум қилинади. Аттестация материалла-ри аттестация комиссияси тузган орган раҳбариятига аттестация кун-идан бошлаб ҳисоблаганда бир ой давомидида қарор қабул қилиш учун юборилди» деб кўрсатилган. Бир-ок, низоом талабларига риоя этил-маган. Шошма-шошарлик билан уларни эгаллаб турган лавозимга нолоийқ, деб топилган ҳамда 30 июлда ВССББ, 31 июлда туғруқхона ва марказий шифохона мазмурияти буйруқлари чиқарилган. Шунинг учун ҳам даъвогарлар низомнинг 2-бўлим 11-банди талаби бўйича юқори турган ташкилотга эмас, тўғридан-тўғри буйруқларни бекор қилиш ҳақида судга муражаат қил-ганлар. Саккизинчидан, «Ўзбеки-стон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббий ва фар-мацевтик ходимларини аттестация-дан ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 2-бўлими, 25-бандида «ҳодим эгал-лаб турган лавозимига нолоийқ деб топилганда соғлиқни сақлаш бош-қарув органи ва муассасаларининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси-нинг «Меҳнат тўғрисида»ги қонуни-ча биноан уни бир ой мuddат ичи-да бошқа ишга ўтказиш ёки эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш чора-ларини кўради» дейилган бўлса-да, на меҳнат Қонунига талабига, на низомга риоя этилган. Тўққизинчи-дан, ВССББ суднинг сўровига асо-сан тақдим этган «эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтувчилар ки-тобчаси» ҳам низоом талабларига му-вофиқ эмас.

(Давони 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Сирдарё

(Боши 1-бетда)

Таассуфки, бундай ҳолатни Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманларида ҳам учратиш мумкин. Республика ҳукумати вилоятдаги ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000-2004 йилларда ирригация ва мелiorация тармоқларининг капитал қурилиши ва эксплуатацияси учун катта миқдорда маблағ ажратган эди. Афсуски, ушбу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос. Нафсилам-бирини айтганда, бу бордада кўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлар рўй берди. Биргина «Сирдарёсув» трестига қарашли 38-механизацияланган кўма жамланма 5,5 километрдаги ёпиқ-ёпиқ зовурларни тозаладиқ, қабилидаги хужжат асосида давлатдан 3 миллион сўмини қуртдек санаб олган. Лекин назорат ўлчовда зовурнинг сўнгги қисмидаги 6 та кудуқ чала таъмирлангани маълум бўлди. Бу эса топширилган 3,2 километрдаги зовурларнинг мутлақо ишласандан турганини кўрсатади.

да бажарилмаган ишларни қозғоғда амалга ошириб, катта миқдордаги давлат маблағини умарган. Оқолтин туманидаги «Бехзод қурувчи» кичик кор-

сўмлик давлат маблағини талон-тарож қилган. Вилоятдаги ўнлаб фирма ва кичик корхоналар зовур тозалаш, мелiorация-ирригация ишлари би-

10 минг гектарга кўпайиши, 64,500 гектарда туз кўтарилиши қўл учиде бажарилган юмушлар махсули эмасмикин? Ҳайлаимизки, вилоят Кенгаши-

дир. Ушбу ҳўжалиқда амалдаги йилда 48,9 гектар ерга чигит қадаш, 137 тонна пахта ҳрсили топшириш тўғрисида шартнома тузилган. Кейинчалик ўйламай-нетмай барча майдонга кунгабоқар экилган. Шу тумандаги «Ал-Рашид» фермер ҳўжалиги 28 гектар, «Анорбой» 12,8, «Гули Моҳи Ситора» эса 10 гектар майдонда бор қўлим деб кунгабоқар етиштирган. Бундай қўсурларнинг йилмай такрорланиши ер ҳолатини, деҳқончилик маданиятини издан чикарди.

АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА

III Қурултой қарорларини ўз фаолиятимизнинг ҳаракат дастурига айлантирганмиз. Тармоқда имзоланган 45 та жамоа шартномаси орқали 3873 нафар соҳа ходимлари қамраб олинган.

Жамоадаги мўътадил муҳит, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси, кишилар саломатлиги муҳофазаси, ҳуллас, барча муносабатлар жамоат ташкилоти фаол иштироки тақозо этади. Масъулиятли бурч эса ҳар доим бизни сергакликка ундаб келади. Тармоғимиздаги 26 та касабаяошма ташкилоти етакчилари жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда. Улар келишувлар, меҳнат шартномалари ва битимларда кўзда тутилган имтиёзларни амалиётга жорий этиш, кўшимча афзалликлар яратиш пайида бўлишаптир.



Кўшимча таътилларда соҳа ходимлари икки ойлик маош миқдорига рағбатлантирилмоқда. Инсон омилга эътибор қаратиб, уларга имконият яратиб бераётган бундай корхоналар талайгина. Бу жамоаларда

Қатор корхоналари-мизда меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиш намунали даражага кўтарилган. 919 нафар ходим меҳнат қилаётган «Сирдарёгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасини бунга мисол қилиш мумкин. Жамоада кейинги йилларда туб ўзгаришлар ясалди. Энг кам ойлик 27 минг 600 сўмга, ўртача иш ҳақи эса 65 минг сўмга етказилди. Шунингдек, кўп фарзандли оилалар, ёш бола тарбиялаётган аёллар муайян имтиёзларга эга. Бу ерда аёлларга ҳафтага бир соатлик ҳақ тўланадиган иш кўни қисқартириб берилган. Ҳар ойда ходимлар 85 фоизлик мукофот тўловларидан баҳраманд бўлиб келяпти. Гулистон шаҳридаги «Исчилик манбаи» иш-

минлаб келяпти. Бу ерда ишловчи барча ходимлар шаҳардаги «Стамаком» поликлиникасида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштириляпти. Корхонада жамоа шартномаси тadbирларини бажариш учун 19 миллион 493 минг сўм маблағ сарфланди. Еки ҳар бир ишчига 94 минг сўмлик амалий мадад берилди.

меҳнат ютуқлари ҳам, иқтисодий барқарорлик ҳам меъёр даражасида.

Асфандиёр АБДУЛЛАЕВ, Енгил, мебел санoати ва коммунал-مائий хизмат ходимлари Марказий кўмитасининг вилоятдаги вакили

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

хонаси эса ҳамкасбларидан қолишмаган ҳолда кўшиб ёзган ишлар учун 336,052

лан банд. Уларнинг фаолияти кимнинг назоратида? Икки йилда шўрланган ерларнинг

нинг навбатдан ташқари сессиясидан кейин бу каби енг учиде қилинган ишларга чек қўйилади.



Фермер ҳўжалигимиз далада ишлаётган 15 нафар ходимнинг электр энергияси, газ ҳамда телефон хизматларини тўловларини ўз зиммасига олган.

Анжумандан кейин янаям равшанроқ бўлдики, айрим қабарларда талабчанлик ва катъият етишмаптир. Бу эса кимларгадир қўл келаяпти. Бошбошдоқлик шу даражага етганки, айрим фермерлар режалаштирилган экин ўрнига бошқасини экиб, ёхуд ерни ўзга шахсга «тортиқ» қилиб юборишга боришган. Бу каби ўзбошимчиликлар пахтачилик ривожига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бебошлик кўчасига кирганлардан бири Сирдарё туманидаги «Замини Бобозода» фермер ҳўжалиги-

Кўп йилларга қўзилган қоқоқлик қўлқуварлар кайфиятини туширмасдан қолмади. Астойдил енг шимариб ишлаш билангина мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек: «Мана шу юртни ўз Ватани деб биладиган, Сирдарё замини билан гурурифтхор қиладиган одамлар бу масалани ўз қўлига олмас, шундай интилиш ва гоюларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул».

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Вилоятда 2000 йил жамоа шартномалари асосида 2-3 ёшли фарзанд тарбиясида машғул бўлган 1996 нафар аёлга 35 миллион 960 минг 166 сўм маблағ сарфланди.

лар билан баҳам кўра-миз. Елиб-югурмасак, баҳамхўрлик ишламасак рўзгордаги тўкинлик қайда! Буни ҳар биримиз англаймиз. Чопқири ҳам, миробу механизаторимиз ҳам даромад иш орқасидан келишини чўқур англаб етади. Шу боис ҳар

Ишловчи 4 минг 973 нафар аёл бешинчи ойдан ҳомиладорлик таътилига кузатилади. 15 минг 659 нафар аёлнинг иш ҳафтаси 1 соатга қискарди.

2001 йилда эса 812 та оила фарзандларини бепул овқатлантириш учун 9 миллион 985 минг сўм ажратилди.

12 ёшгача фарзанд тарбиялаётган 9 минг 98 нафар аёлга 3 иш кунидан кам бўлмаган таътил жорий этилди.

2002 йилда 200 қария бепул дам олдирилди. 2435 нафақахўрга 18 миллион 761,3 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

146 нафақахўрга устама иш ҳақи тўлаш белгиланди. 2003 йилда 40 нафар пенсионернинг таваллуд кунлари нишонланди.

128 нафар кам таъминланган оила вакиллари соғломлаштирилди.

КАТТА САБОҚ

няпти. Ҳўш, бунинг самараси нималарда кўриняпти? Энг аввало, ишчининг эртанги кундан кўнгли тўқ. Унумли ва сифатли иш учун мўмай даромад олишига қафолат бор. Чўнки у йил ўн икки ой маош, мукофот билан таъминланади. Амалдаги йилда ҳар бир ишловчига 1 тоннадан бугдой, 150-200 килодан пахта ёғи, шахсий қорваси учун кунжа, шелуха етказиб берилди. Ходимларимизнинг ўртача йиллик даромадлари 500-600 минг сўмдан ошаляпти.

центнердан 30 центнерга кўтарилди. Бу ҳаммаси ишни тўри ташкил этаётганимиз, ходимларимизга унумли ишларини учун шароит яратаётганимиз на-тижасидир.

бири ўз юмушини бениқсон, виждонан бажариб келаяпти.

Даромадимиздан иккита транспорт трактори харид қилганмиз. Ушбу техникалардан самарали фойдаланиш мақсадида шартнома асосида уларни ижарага ҳам берамиз. Бу ҳам муайян даромад келтириб, ҳисобимизга пул туширади. 66 гектар ери-

Фермерликнинг ўзига хос роҳати ҳам, заҳмати ҳам бор. Баъзан оромдан кечишга тўғри келади. Негаки, ер олиб-бой бўлиш оғиздагина осон. Мустақил иш юритиш, ўзинг ва атрофдагилар моддий барқарорлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Раҳбар сифатида эллик минг сўм маош оламан. Йиллик даромад эса 600 минг сўм атрофида. Амалдаги эса йил мобайнида 6,5-7 миллион сўм атрофида ҳақ бераймиз. Агар имтиёзларни кўшиб ҳисоблаганда, бу салмоқ 10-12 миллионга боради. Даромадимизнинг тенг ярисини дала ишчи-

Булар яхши, лекин вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтилган аччиқ аммо адолатли гаплар барчамизни чўқур ўйлашга, мушоҳада юритишга даъват этди. Қолоқ вилоят киҳиси деган номни эшитиш қанчалар оғир. Сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, бутун куч, билим ва тажрибамизни ишга солсак, албатта Сирдарёда ҳам бурилиш бўлади. Бунинг учун кўпроқ ташаббускор, иқтисодий, ориятли инсонларга суяниш керак.

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Инсон қорни учун эмас, қадрни ўнганда, дейишади. Буни ўз бошимдан ўтказдим. Фарзандим 2 ёшга тўлган қадрдон жамоам оstonасидан ҳатладим. Муддао семимли ишимга қайтиш, ҳамкасбларим даврасида бўлиш эди. Аммо соғиниб, энтикиб келган ишхонам эшикларини ёпиштирдим. Энди сизни ишга ололмаймиз, деганлариде хайратдан қараёт бўлиб қолдим. Нега, гуноҳим нимада? Таассуфки, бу саволларим ҳавода муаллақ қолди.



Утган 9 ойда алоқа тизими корхоналарида ишловчи кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар, пенсионер ва ногиронларга 5,6 миллион сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Дил сўзлари

Бир қатор идораларга учраб, воқеани баён қилдим. Кўп ваъдалар берилди-ю ижроси таъминланмади. Уч ойни поймол бўлган ҳўқуқимни тиклашга сарфландим. Қийналиб юрган кўнларимдан бирида ҳамкасбларимнинг бири касабаяошмасига мурожаат қилишини маслаҳат бериб қолди. Гапнинг очиги, истамайгина вилоят касабаяошмалари Кенгаши ҳўқуқшуноси қабулига бордим. У ўша заҳоти ишга киришди. Уч кун ичиде мажбуран бекор юрган уч ойлик иш ҳақимни ундириб берди.

ТАЪТИЛ ДАВРИДА ПУЛЛИК ТАНАФФУС

Маъмурият ва касабаяошма ҳамкорлиги самараси ижтимоий, иқтисодий ҳимояда кўзга яққол ташлана бошлади. Киска фурсатларда ходимлар ойлик маошининг 4 баробарга оширилиши бунга мисолдир. Тизимда 26 та кам таъминланган оилалар ва пенсионерларга алоҳида имтиёзлар белгиланган. Жамоа шартномасига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар энг кам ойлик маошининг 4 баробари миқдорда рағбатлантирилмоқда. Соҳада ишлаб пенсияга чиққан 150 нафар кексаларга эса бепул қишлоқ ҳўжалик махсулотлари учун маблағ тўлаб берилаяпти.

ажратилиб, ўқув қуроллари харид қилиш жорий этилган. 4 нафардан ошиқ фарзанд тарбиялаётган ходимлар эса

ЭЛ СОҒЛИГИ ПОСБОНИМИЗ

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Фақат соғлом кишигина жамиятга фойда келтиради. Вилоятимизда ўтган йиллар мобайнида 30 га яқин замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб ишга туширилди. Бизнинг марказимиз ҳам бу бордаги саъий ҳаракатнинг узвий давоми сифатида дунё юзини кўрди.

ВАҚТ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМ

Деҳқончиликда бошқарув, тизими тақомиллашувчи хусусий мулкчилик кенг ўрин берилиши касабаяошма фаолиятини янги босқичга кўтаришга ундади. Туманимизда меҳнат қиладиган 7,5 минг нафарга яқин дала ишчилари манфаати том маънода янгиланган касабаяошма ташкилоти томонидан муҳофазаланаляпти. Узим ҳам хусусий тармоқда ишлайман. Жамоамизда 42 нафар киши меҳнат қилади. Ишбилармон Эргаш Ортиқбоев ташкил этган хусусий чорвачилик фермасида хизмат қиламиз. Мана иккинчи йилдирик, цех касабаяошма ташкилоти га етакчилиқ қилиб келаямиз.

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Амалдаги йилда Гулистон туманидаги 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини қошида деҳқон-фермер ҳўжалиқлари касабаяошма кўмитаси иш бошлади.

НОГИРОННИ ҚЎЛЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Бундан саккиз йил илгари бахтсиз ҳодиса туфайли оёқларимдан ажраган эдим. Аммо кадрдон жамоам Пахтаобод пахта тозалаш ҳўқорлик жамияти мени ўз ҳолимага ташлаб қўймади. Касабаяошма кўмитаси мени оталиққа олган. Дардим ўзимга аён. Вақти-вақти билан Тошкентда даволашиб турмасам, ўзимни беҳол сезаман. Ана шундай чоғда даволашиб сарф харажатларидан тортиб бориб-келишгача касабаяошма маблағ билан таъминлаб турибди. Елғиз аёлман, шунинг учун уй-жой таъмири, хрвли юмушларига ҳол қайда дейсиз. Ана шу юмушлар ҳам бир пайтларини ишлаган жамоадорларим кўмағида бекуму кўст адо этиляпти.

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Мулкдор билан ҳамкорлик қилишнинг ўзига хос томонлари бор, албатта. Энг аввало, унумли меҳнат, юқори самарадорлик талаб этилади. Аммо ишчи манфаати, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси унутилган йўқ. Амалдаги йилда ўртача ойлик маошимиз икки баробарга ошди. Ҳар бир ишчи хонадонига 1 тоннадан бугдой тақсимланди. Вақти-вақти билан жамоа аъзоларига гўшт-сўт махсулотлари етказиб

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Мулкдор билан ҳамкорлик қилишнинг ўзига хос томонлари бор, албатта. Энг аввало, унумли меҳнат, юқори самарадорлик талаб этилади. Аммо ишчи манфаати, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси унутилган йўқ. Амалдаги йилда ўртача ойлик маошимиз икки баробарга ошди. Ҳар бир ишчи хонадонига 1 тоннадан бугдой тақсимланди. Вақти-вақти билан жамоа аъзоларига гўшт-сўт махсулотлари етказиб

Мўтабар ТИРКЕШОВА, Гулистон шаҳри

647 нафар киши меҳнат қиладиган «Сирдарётелеком» жамоасида бу борадаги иш-

лардан ибрат олас арзийди. Корхонада кўп йил ишлаган ходимлар ойлик маошига, ўттиз фоизлик устама тўланиши жорий этилган. Саломатлиги ёмонлашган ёхуд касалхонада даволанаётган ходимларга энг кам ойлик маошининг 4 баробари миқдорда моддий кўмак бериб келиналяпти. Корхона ходимларининг фарзандларига, мактабда ўқиётган ҳар бир бола учун энг кам ойликнинг 1 баробаридан 4 баробаригача маблағ

дарё филиали жамоаси ҳам аёллар ва кўп йил ишлаганлар учун бир қатор енгилликлар яратиш пайида бўляпти. Бу ерда аёллар иш соатлари қисқартирилган. Ҳомиладорлик таътилига кузатишда пуллик тананффуслар белгилаб қўйилди. Энг муҳими, жамоа шартномасида кўзда тутилган барча имтиёзлар амалга ошириляпти.

Болалар ва оналар саломатлигини мустахамлаш ҳам эътибордан четда қолмаляпти. Уларни соғломлаштириш учун 2 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Бир сўз билан айтганда, алоқа тизими корхоналари соҳа тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳар бир ходим меҳнатини муносиб баҳолашга интилиб келаяпти.

Эркин ТУРДИБОВЕВ, Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаяошма кўмитаси раиси

Абдугани КОДИРКУЛОВ, Гулистон тумани «Олтинтёпа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Чорвадор» хусусий фермаси цех касабаяошма ташкилоти етакчиси

